

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ**

Э.Э. Исаев

©Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқоти институти
мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18358730>

Аннотация. Мазкур мақолада вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати, унинг детерминантлари ва жамоат хавфсизлигига таъсир этувчи механизмлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тадқиқотда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг криминологик ва ҳуқуқий хусусиятлари, ижтимоийлашув жараёнидаги хавф омиллари (оила, таълим муҳити, тенгдошлар таъсири, рақамли макон), латентлик ҳолатлари ҳамда профилактиканинг умумий ва яқка тартибдаги моделлари қиёсий ёндашув асосида ёритилган. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг жамоат хавфсизлигига таъсири ижтимоий ишонч, маҳалла муҳити, таълим муассасаларидаги хавфсизлик ва рецидив хавфи нуқтаи назаридан баҳоланган.

Мақолада мазкур соҳадаги институционал ҳамкорликни кучайтириш, эрта аниқлаш ва ижтимоий-реабилитацион механизмларни ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги, ижтимоий-ҳуқуқий табиат, детерминантлар, жамоат хавфсизлиги, латент жиноятчилик, профилактика, яқка тартибдаги профилактика, эрта интервенция, реабилитация, ресоциализация.

Аннотация. В статье проведён научно-теоретический анализ социально-правовой природы правонарушений, совершаемых несовершеннолетними, а также механизмов их влияния на общественную безопасность. Рассмотрены криминологические и правовые характеристики подростковой делинквентности, ключевые детерминанты и факторы риска в процессе социализации (семья, образовательная среда, влияние сверстников, цифровое пространство), проявления латентности и модели общей и индивидуальной профилактики в сравнительном аспекте. Влияние подростковых правонарушений на общественную безопасность оценено через призму общественного доверия, безопасности в махалле и образовательных учреждениях, а также риска рецидива. Сформулированы научно-практические предложения по усилению межведомственного взаимодействия, внедрению механизмов раннего выявления и развитию социально-реабилитационных мер.

Ключевые слова: правонарушения несовершеннолетних, социально-правовая природа, детерминанты, общественная безопасность, латентная преступность, профилактика, индивидуальная профилактика, ранняя интервенция, реабилитация, ресоциализация.

Abstract. This article provides a scientific and theoretical analysis of the socio-legal nature of juvenile offending and the mechanisms through which it affects public safety. The study examines criminological and legal characteristics of juvenile delinquency, key determinants and risk factors within the socialization process (family, educational environment, peer influence, and digital space), manifestations of latent offending, and comparative models of general and individualized prevention. The impact on public safety is assessed in terms of social trust, safety in local communities and educational institutions, and the risk of reoffending.

The article also proposes practical recommendations aimed at strengthening interagency coordination, introducing early identification mechanisms, and expanding social and rehabilitative interventions.

Keywords: juvenile offending, socio-legal nature, determinants, public safety, latent crime, prevention, individualized prevention, early intervention, rehabilitation, resocialization.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотлар изчил ва тизимли тус олмакда. Жумладан, Президент *Ш.М.Мирзиёевнинг* ташаббуси билан 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган “*Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси*”да хавфсизликни таъминлашда асосий эътиборни “*олдиловчи профилактика*”, хавф омилларини эрта аниқлаш, маҳалла даражасидаги ҳамкорлик ва аҳоли билан манзилли ишлашга қаратилган давлат сиёсати сифатида мустаҳкамлаб қўйилди¹. Ушбу концептуал ёндашув “*хавфсиз маҳалла — барқарор миллий тараққиёт*” тамойилини амалиётга жорий этиб, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларни, айниқса, ёшлар муҳитидаги девиант хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарликлар манбаларини илмий таҳлил қилишни долзарб қилиб қўйди.

Концепцияда белгилаб берилган стратегик йўналишлар кейинчалик 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган ПФ-158-сон “*Ўзбекистон — 2030*” стратегиясида янада ривожлантирилиб, унда инсон капитали, ёшлар тарбияси, ижтимоий барнақарорлик ва хавфсиз ижтимоий муҳит яратиш устувор мақсадлар сифатида кўрсатилди². Мазкур стратегия профилактика сиёсатига “*ижтимоий хавфларни қисқартириш, ёшлар билан ишлашни кучайтириш, таълим-тарбия ва маҳалла институти орқали хавфсиз муҳит шакллантириш*” каби вазифаларни интеграция қилган ҳолда, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини жамоат хавфсизлигига таъсир этувчи муҳим ижтимоий-ҳуқуқий муаммо даражасида кўриб чиқишни тақозо этмокда.

Айнан шу ислохотлар мантиқий давоми сифатида Президентнинг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори 2025 йилда ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини самарадорлигини оширишни йилнинг марказий устувор вазифаси этиб белгилади³. Қарорда маҳалла кесимида аниқ мақсадли кўрсаткичлар, манзилли чора-тадбирлар ва ижро учун “*йўл хариталари*”ни жорий этиш орқали профилактика фаолиятини “*олдиловчи-манзилли-ҳисобдор*” моделга ўтказиш кўзда тутилган⁴. Бу эса вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий сабаблари (*оилавий назоратдаги муаммолар, таълим-тарбиядаги узилишлар, тенгдошлар муҳити, рақамли маконда салбий таъсирлар*) ҳамда ҳуқуқий шарт-шароитларини чуқур ўрганишни амалиёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга қилади.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5749291>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони “*Ўзбекистон — 2030 стратегияси тўғрисида*” // lex.uz/docs/6600413

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/uz/docs/7330260>

⁴ Ўша қарорнинг “Концепцияни амалга ошириш механизмлари” деб номланган 2-боби // <https://lex.uz/uz/docs/7330260>

Шунингдек, 2024–2025 йилларда вояга етмаганлар профилактикасини институционал жиҳатдан кучайтириш бўйича махсус чоралар амалга оширилди. Хусусан, Миллий гвардия тизимида болалар билан ишлаш бўлинмалари ташкил этилди, таълим муассасалари ва маҳаллаларда профилактик ишлар олиб боровчи инспектор-психологлар институти кенгайтирилди⁵. Мазкур ислоҳот мамлакатда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш муносабати билан 2025 йил февралда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартишлар киритилиб, профилактиканинг ҳуқуқий механизмлари янгиланди. Демак, бугунги кунда давлат сиёсатининг ўзи вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини барвақт аниқлаш ва унинг илдиз сабабларига манзилли таъсир қилишни жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шарти сифатида қўяётганлиги мазкур мавзунинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Мазкур масалани илмий тадқиқ этиш жараёнида, аввало, мамлакатимизда ушбу йўналиш бўйича шаклланган илмий меросни тизимли ўрганиш алоҳида илмий-амалий аҳамият касб этади. Чунки *“миллий ҳуқуқшунос олимлардан кимлар айнан вояга етмаганлар билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этган, уларнинг илмий ёндашувлари ва хулосалари қандай илмий натижаларга олиб келган?”* деган саволни илгари суриш, бир томондан, мавзунинг назарий манбалар доирасини аниқ белгилашга, иккинчи томондан эса таҳлилда илмий меросийлик ва узвийликни таъминлашга хизмат қилади. Бизнинг фикримизча, мазкур ёндашув мавжуд илмий қарашлар таҳлили асосида янги илмий хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш учун муҳим методологик қадам ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўсмир ёшидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилиши мураккаб комплекс ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг келиб чиқиши жамиятдаги турли ижтимоий омиллар ва шарт-шароитларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг *“ижтимоий-ҳуқуқий табиати”* деганда, аввало, вояга етмаган шахс ҳуқ-атвори шаклланишига таъсир этувчи оилавий-маиший муҳит, таълим-тарбия жараёни, тенгдошлар гуруҳининг таъсири, оммавий ахборот воситалари ва рақамли ахборот макони каби ижтимоий омиллар, шунингдек, ушбу омиллар билан боғлиқ ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари тушунилади. Зеро, ёшлар жиноятчилиги кўп ҳолларда ноқулай оилавий муҳит, ота-оналар ва васийлар томонидан назоратнинг етарли даражада таъминланмаслиги, таълим жараёнидаги узилишлар, таълим муассасасига боғлиқликнинг сусайиши, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил этмаслик каби омиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг табиатида ижтимоий ва психологик омиллар устувор ўрин тутади. Шунингдек, иқтисодий тенгсизлик, оила бузилиши, тарбия ва таълим тизимидаги камчиликлар, меҳнат ва бўш вақтни ташкил этишга доир инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги ёшлар орасида ноқонуний хатти-

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 6 февралда қабул қилинган *“Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вояга етмаганлар профилактикасини кучайтириш доирасида Миллий гвардияда болалар билан ишлаш бўлинмалари ва инспектор-психологлар лавозимлари жорий этилганлиги тўғрисида”*ги ЎРҚ-1024-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/7367702>

ҳаракатларга мойилликни кучайтиради. Бизнингча, фақат жазо чораларига таяниш орқали вояга етмаган ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатиш самара бермайди аксинча, қонуний тартиб-таомилларни тарбиявий, ижтимоий-психологик ва реабилитацион чоралар билан уйғунлаштириш орқали ижобий натижага эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларнинг катта қисми жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга зид бўлган девиант ҳуқ-атворнинг мантикий давоми сифатида шаклланади. Амалдаги қонунчиликда қўлланиладиган “*ғайриижтимоий ҳуқ-атвор*” категорияси⁶, аслида, умумэтироф этилган одоб-ахлоқ меъёрларига зид турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлар ва қадриятлар тизимини ифодалайди. Шу маънода, ёшлар орасидаги девиант ҳуқ-атвор кўп ҳолларда келгуси ҳуқуқбузарликка олиб боровчи ўзига хос “*ўтиш босқичи*” ёки “*кўприк*” вазифасини бажаради. Ижтимоий муҳитдаги салбий таъсирлар (*назоратнинг сусайиши, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг заифлашуви, содда ишонч, конформизм ва ҳ.к.*) вояга етмаган шахснинг психик ривожланишидаги омиллар (*эмоционал беқарорлик, импульсивлик, мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларининг етарлича шаклланмаганлиги*) билан уйғунлаштириш натижасида “*типик вояга етмаган ҳуқуқбузар*”нинг қиёфаси юзага келади.

Шу ўринда, бугунги кунда мамлакатда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш масаласи жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида устувор илмий йўналиш сифатида шаклланмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотлар, аввало, вояга етмаганларга нисбатан давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати инсонпарварлашуви, профилактиканинг энг эрта босқичларида ҳуқуқий таъсир чораларини кучайтириш ҳамда жазони ижро этиш жараёнида қайта ижтимоийлаштиришни изчил таъминлашга қаратилган яхлит тизимни илмий жиҳатдан асослашга қаратилган.

Хусусан, жиноят-ҳуқуқий институтларнинг профилактик салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, *З.Я. Тўрабаеванинг “Вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш”* мавзусидаги диссертацион ишида вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг моддий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, суд амалиётида ушбу институтни қўллаш мезонлари таҳлил этилади. Муаллиф ушбу институтни фақат жазони енгиллаштириш воситаси эмас, балки шахсни қайта тарбиялаш ва ижтимоий реинтеграция қилишга қаратилган яқка профилактиканинг муҳим ҳуқуқий механизми сифатида талқин қилиш концепциясини илгари суради⁷. Бу ёндашув жиноят-ҳуқуқий чораларни профилактиканинг индивидуал шакли билан чамбарчас боғлаш заруратини кўрсатади. *Ш.О.Азимнинг* фикрича эса вояга етмаганларни жиноий муҳитга тортиш ва уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишга қарши қонуний таъсир чораларини кучайтириш масалалари “*Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари*” мавзусидаги тадқиқотида ёритилган.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ 371-сон Қонуннинг 3-моддаси (*Асосий тушунчалар*) // <https://www.lex.uz/acts/2387357>

⁷ Тўрабаева З.Я. “Вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация автореферати. – Т.: 2021 й. – 15-бет.

Муаллиф жалб этиш қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг сабаб-омиллари ҳамда жиноят таркибининг профилактик потенциалига алоҳида эътибор қаратиб, жалб этувчи шахсларнинг таъсирини эрта нейтраллаштириш, жавобгарликни дифференциаллаштириш ва квалификация белгиларини аниқлаш орқали ёшлар жиноятчилиги профилактикасини кучайтириш зарур, деган хулосага келади⁸. Шунингдек, Н.О. Ашурова бўлса ўзининг *“Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик”* номли тадқиқот ишида айнан вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб этишнинг турли шакллари мустақил криминализация объекти сифатида такомиллаштириш, жавобгарликни аниқ ва ўлчаб бўладиган мезонлар асосида белгилаш, шу орқали амалдаги нормаларни профилактик тўсиқ сифатида кучайтиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқади⁹. Шу тариқа, мазкур тадқиқотлар гуруҳи жиноят-ҳуқуқий институтларни *“барвақт тўхтатиш”* ва *“жиноий ҳуқ-атвор траекториясини узиш”*га хизмат қилувчи якка профилактика воситалари сифатида талкин қилиш учун назарий пойдевор яратади.

Шунингдек, вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг криминологик тавсиф ва профилактик моделлаштириш масалалари Б.А. Умирзақовнинг *“Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш”* мавзусидаги тадқиқот ишида марказий ўринни эгаллайди. Муаллиф ёндашувига кўра вояга етмаганлар жиноятчилигини детерминация қилувчи омиллар тизими, унинг тузилиши ва динамикасини эмпирик маълумотлар асосида очиб беради ҳамда профилактик таъсирнинг умумий, махсус ва якка даражаларини ўзаро уйғунлаштириш заруратини илмий асослайди¹⁰. Мазкур хулосалар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини *“ягона тизим”* сифатида кўриш, профилактиканинг барча турлари ўртасидаги функционал боғлиқликни аниқлаш ва уларни комплекс моделда ифодалаш учун методологик асос сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, жиноят-ижроия босқичида эса профилактик мақсадни таъминлашга қаратилган ишлар алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, А.А. Сайдуллоевнинг *“Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш: Тожикистон ва Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётининг қиёсий таҳлили”* мавзусидаги авторефератида жазони ижро этиш жараёнидаги тарбиявий-реабилитацион механизмлар, ҳуқуқий кафолатлар ва ресоциализация чоралари қиёсий таҳлил этилади. Муаллиф бу тизимни иккиламчи профилактиканинг институционал қисми сифатида такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари суради¹¹. С.С. Култураева бўлса ўзининг *“Вояга етмаганларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишни такомиллаштириш”* мавзусидаги тадқиқот ишида эса тарбия колонияларида индивидуал тарбия ва психологик ёрдам дастурларини кучайтириш,

⁸ Азим Ш.О. *“Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари”* мавзусидаги диссертацияси. – Т.: 2020 й. – 28-бет.

⁹ Ашурова Н.О. *“Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик”* мавзусидаги диссертацияси. – Т.: 2022 й. – 30-бет.

¹⁰ Умирзаков Б.А. *“Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш”*. – Т.: 2019 й. – 45-бет.

¹¹ Сайдуллоев А.А. *“Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш: Тожикистон ва Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётининг қиёсий таҳлили”* мавзусида автореферати. – Т.: 2020 й. – 12-бет.

постпенитенциар назорат¹² ва ёрдам механизмларини кенгайтириш орқали қайта жиноятчилик хавфини камайтириш йўллари илмий жиҳатдан асосланади¹³. Демак, жазони ижро этиш жараёни ва озодликка чиққан вояга етмаганларнинг реинтеграцияси бутун профилактика тизимининг якунловчи бўғини сифатида намоён бўлади, бу эса уларни жамият ҳаётига муваффақиятли қайтариш учун зарур бўлган ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар мажмуасини янада кучайтириш ва такомиллаштириш зарурлигини англатади.

Юқорида таҳлил қилинган илмий ишлар мазмуни, умуман олганда, миллий криминология мактабида аввалдан шаклланган назарий ва амалий концепциялар ҳамда илмий ёндашувларга суянган ҳолда илгари сурилганини кўрсатади. Жумладан, *И. Исмоилов* ўзининг *“Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси”* монографиясида профилактиканинг тушунчалари, турлари ва субъектлари (умумий, махсус, якка) ягона классификацияда баён этилган бўлиб, профилактика ижтимоий муҳитни соғломлаштириш ва шахсга манзилли таъсир кўрсатиш орқали амалга ошириладиган комплекс институт сифатида талқин этилади¹⁴. *Н.Т. Исмоилов* эса *“Вояга етмаганлар жиноятларининг индивидуал олдини олиш муаммолари”* мавзусидаги тадқиқот ишида эса якка профилактика алоҳида вояга етмаган шахснинг ҳулқ-атвор траекториясини тузатишга қаратилган педагогик, психологик ва ҳуқуқий технологиялар тизими сифатида асосланади; унинг мақсад, субъект ва усуллари аниқлаштирилади¹⁵.

Бундан ташқари, *“Криминология”* дарслигининг умумий қисмида ёшлар ва вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий профилактикасининг институционал модели ишлаб чиқилиб, профилактика субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик давлат-жамоат механизми сифатида ёритилади¹⁶. *С.Б. Хўжақуловнинг* умумий профилактикага бағишланган монографиясида бўлса профилактиканинг ҳуқуқий-ташқилий воситалари, субъектлар ўртасидаги функционал ҳамкорлик ва идоралараро аниқ тизим, қоидалар ва механизмлар асосида ташкил этилади¹⁷ деб баён этилган.

Бизнингча, юқорида таҳлил қилинган асарлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини турли кесимларда (*жиноят-ҳуқуқий, криминологик, жиноят-ижроия, умумий профилактика*) ёритиб беради, аммо “вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати ва жамоат хавфсизлигига таъсири” деган комплекс тушунчани ҳали тўлиқ, яхлит тизим сифатида қамраб олмаганини кўрсатади.

Аввало, жиноят-ҳуқуқий институтларнинг профилактик салоҳияти *З.Я. Тўрабаева, Ш.О. Азим ва Н.Ў. Ашурова* ишларида чуқур ёритилади. *З.Я. Тўрабаева* вояга етмаганларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишга оид қонунчиликни таҳлил

¹² *Изоҳ*: шахс жазони қамокда (ёки бошқа озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо) ўтаб бўлгандан кейин, унинг устидан давлат органлари томонидан амалга ошириладиган **қонуний назорат ва кузатув тизими**дир.

¹³ *Култураева С.С. “Вояга етмаганларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишни такомиллаштириш”* мавзусида диссертацияси. – Т.: 2021 й. – 37-бет.

¹⁴ *Исмоилов И. “Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси”* (монография). – Т.: “Академия” нашроти. 2017 й. – 125-бет.

¹⁵ *Исмоилов Н.Т. “Вояга етмаганлар жиноятларининг индивидуал олдини олиш муаммолари”* мавзусида юридик фанлар номзоди диссертацияси. – Т.: 2006. – 21-бет.

¹⁶ *“Криминология. Умумий қисм”* дарслиги (*В.Н.Кудрявцев ва В.Е.Эминов таҳририда*). – М.: 2010. – 98–105-бетлар.

¹⁷ *Хўжақулов С.Б. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: умумий профилактиканинг ҳуқуқий ва ташқилий асослари”*. – Т.: 2018 й. – 54-бет.

қилар экан, моддий-ҳуқуқий асослар ва суд амалиётида ушбу институтни қўллаш мезонларини очиб беради ҳамда ушбу институтни шахсни қайта тарбиялаш ва ижтимоий реинтеграция қилишга хизмат қиладиган индивидуал профилактика воситаси сифатида баҳолашга имкон берувчи ҳулосаларга келади¹⁸. Ш.О. Азимнинг тадқиқотида эса вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жиноий таркибининг ижтимоий хавфлилик даражаси, сабаб-омиллари ва жиноят таркиби профилактик потенциали алоҳида таҳлил этилиб, жалб этувчи шахслар таъсирини эрта нейтраллаштириш, жавобгарликни дифференциаллаштириш орқали ёшлар жиноятчилиги профилактикасини кучайтириш зарурати илгари сурилади¹⁹. Н.Ў. Ашурова ўз ишида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик ҳолатларини мустақил криминализация объекти сифатида такомиллаштириш, жавобгарликни аниқ мезонлар асосида белгилаш заруратини асослайди²⁰. Бизнинг фикримизча, ушбу учлик ишлар жиноят-ҳуқуқий чораларни “барвақт тўхтатиш” ва “жиноий ҳулқ-атвор траекториясини узиш”га қаратилган яқка профилактика воситалари сифатида талқин этиш имконини беради, лекин ҳуқуқбузарликларнинг кенгрок ижтимоий сабаб-шароитлари, жамиятдаги девиант муҳит ва жамоат хавфсизлиги тизимида тизимли таъсир масаласини иккинчи планда қолдиради.

Иккинчидан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва унинг олдини олиш масалалари Б.А. Умирзақовнинг “Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш” номли диссертациясида марказий ўринни эгаллайди. Муаллиф жиноятчиликни детерминация қилувчи омиллар тизимини, унинг тузилиши ва динамикасини эмпирик маълумотлар асосида таҳлил қилиб, умумий, махсус ва яқка профилактика даражаларининг ўзаро уйғунлашуви зарурлигини илмий асослайди²¹. Шу боисдан, ушбу ишда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати, аввало, криминоген муҳит, оила, таълим муассасаси ва маҳалла каби ижтимоий институтлар билан боғлиқ омиллар орқали ёритилади, аммо жамоат хавфсизлиги тушунчаси алоҳида категория сифатида эмас, умумий криминологик фонида кўриб чиқилади.

Учинчидан, жиноят-ижроия босқичидаги профилактик вазифалар А.А. Сайдуллоев ва С.С. Култураева ишларида чуқур тадқиқ этилган. А.А. Сайдуллоев Тожикистон ва Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётини қиёсий таҳлил қилиш орқали вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишда тарбиявий-реабилитацион механизмлар, ҳуқуқий кафолатлар ва ресоциализация чораларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади²².

¹⁸ Тўрабаева З.Я. Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш // Юрист ахборотномаси – Vestnik yurista – Lawyer Herald. – 2025. – №1.. 50–57 – бетлар.

¹⁹ Азим Ш.О. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДЮИ, 2020. 28-29-бетлар.

²⁰ Ашурова Н.Ў. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. 49-51-бетлар.

²¹ Умирзақов Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш: 12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича PhD диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2021 й. 9-10-бетлар

²² Сайдуллоев А.А. Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш: Тожикистон ва Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётининг қиёсий таҳлили: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2024 й. 10 -12-бетлар.

С.С. Култураева эса тарбия колонияларида индивидуал тарбия ва психологик ёрдам дастурларини кучайтириш, болалар омбудсмани институтининг назорат ваколатларини кенгайтириш ҳамда пробация назоратидаги вояга етмаганларни ижтимоий мослаштириш механизмларини такомиллаштиришни таклиф этади²³. Бизнингча, бу ишлар жазони ижро этиш ва постпенитенциар босқични “иккиламчи профилактика”нинг муҳим бўғини сифатида очиб беради, лекин вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг жамоат хавфсизлигига (масалан, маҳалла хавфсизлик муҳити, қайта жинойятчилик динамикаси, профилактика субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик) тизимли таъсирини юмшоқ шаклда, иловавий йўналишда қамраб олади.

Тўртинчидан, миллий криминология мактабида профилактиканинг умумий назарий пойдевори И. Исмоилов, Н.Т. Исмоилов, “Криминология” дарсликлари ва С.Б. Хўжақуловнинг умумий профилактикага оид ишларида шаклланишини кўрамиз. И. Исмоилов “Kriminologiya. Maxsus qism” дарслигида балоғатга етмаганлар жинойятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикасини ёритар экан, профилактик фаолиятни ижтимоий муҳитни соғломлаштириш ва шахсга манзилли таъсир кўрсатишга қаратилган комплекс институт сифатида талқин этади²⁴. Н.Т. Исмоилов эса вояга етмаганлар жинойятларининг индивидуал олдини олиш муаммоларини ўрганиб, якка профилактик ишнинг мақсад, субъект ва усулларини аниқлайди ҳамда якка профилактикани шахс хулқ-атвор траекториясини тузатишга қаратилган педагогик, психологик ва ҳуқуқий технологиялар тизими сифатида асослайди²⁵. “Kriminologiya” умумий қисмига оид дарсликларда ёшлар ва вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари умумий профилактикасининг институционал модели, профилактика субъектлари ўртасидаги давлат-жамоат ҳамкорлик механизми шакллантирилган²⁶. С.Б. Хўжақулов эса “Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш” монографиясида профилактиканинг ҳуқуқий-ташкилий воситалари, профилактика субъектлари ўртасидаги функционал ҳамкорлик ва идоралараро механизмларни алоҳида тизим сифатида асослайди²⁷. Бизнинг фикримизча, мазкур ишлар профилактик фаолиятнинг институционал асосларини, жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ йўналишларни тўлиқ очиб берса-да, “вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати”ни алоҳида категория сифатида таърифлаш, унинг жамоат хавфсизлиги тизимига таъсирини ўлчаш меъёрларини ишлаб чиқишга тўлақонли бағишланмаган.

Шу нуқтаи назардан, бизнингча, кўриб чиқилган манбаларда **ижтимоий-ҳуқуқий табиат** масаласини асосан алоҳида элементлар кесимида – жинойят-ҳуқуқий институтлар

²³ Култураева С.С. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишни такомиллаштириш: 12.00.08 – Жинойят ҳуқуқи. Жинойят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича юридик фанлар фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент давлат юридик университети. 2025. 16-17-бетлар.

²⁴ Исмоилов И. Балоғатга етмаганлар жинойятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // *Kriminologiya. Maxsus qism: IV'oliy ta'lim muassasalari uchun darslik* / I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova va бошқ. – Тошкент: О'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. 15–16-бетлар.

²⁵ Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жинойятларининг индивидуал олдини олиш муаммолари: юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. 14-15-бетлар.

²⁶ *Kriminologiya: Darslik* / Z.S. Zaripov, A.S. Yakubov, G.A. Avanesov va бошқ.; проф. Z.S. Zaripov тахрири остида. – Тошкент: О'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2008. 124-127-бетлар.

²⁷ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Мас'ул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. – Тошкент: О'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2019. 92-96-бетлар.

(жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жалб қилувчи шахсларга жавобгарлик), криминоген омиллар тизими, жазони ижро этишдаги тарбиявий-реабилитацион механизмлар ва умумий профилактика институтлари орқали ёритса, айнан **жамоат хавфсизлигига таъсир**ни эса, кўпроқ, умумий криминологик хавфсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги, қайта жиноятчиликнинг камайиши каби индикаторлар орқали билвосита ёритади, бироқ “*жамоат хавфсизлиги*”ни мустақил таҳлилий категория сифатида (*масалан, хавфсизлик муҳити, ҳудудий хавф хариталари, профилактика субъектлари кластерлари ва ҳ.к.*) комплекс тарзда моделлаштиришга тўла йўналтирилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Шу боис, бизнинг фикримизча, мазкур тадқиқот ишида “*вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати ва жамоат хавфсизлигига таъсири*”ни алоҳида илмий категория сифатида шакллантириш, шунингдек, унинг структура элементларини (*ижтимоий муҳит, ҳуқуқий мақом, профилактика субъектлари, хавфсизлик индикаторлари ва ҳ.к.*) аниқлаш ҳамда мавжуд тадқиқотлардан фарқли равишда *ҳуқуқбузарлик–ижтимоий муҳит–жамоат хавфсизлигини* ўзаро боғлиқлигини яхлит моделда асослаш илмий янгилик ва қўшимча қиймат беради.

Юқорида ёритилган ҳуқуқшунос олимларнинг илмий назарий қарашларнинг назарий таҳлилидан ташқари, ривожланган давлатларнинг тажрибасини ҳам илмий таҳлиллар асосида ўрганиб ўтсак мақсадга мувофиқ. Хусусан, бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатига доир қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўпгина давлатларда мазкур ҳодиса, аввало, боланинг шахсий ривожланиши, оилавий ва ижтимоий муҳит нуқсонлари, таълим-тарбия тизимидаги камчиликлар, камбағаллик, зўравонлик ва назоратсизлик каби омиллар билан боғлиқ ижтимоий муаммо сифатида, шу билан бирга, ҳуқуқий жавобгарлик ва жиноят-процессуал муносабатларни вужудга келтирувчи ҳодиса сифатида комплекс талқин этилади. БМТнинг “*Бола ҳуқуқлари тўғрисида*”ги Конвенциясида бола ҳар қандай инсоннинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги билан белгиланиб, унинг шахсий хавфсизлиги, зўравонликдан ҳимоя қилиниши, ижтимоий реинтеграция ва қайта тарбия қилиш давлатнинг асосий мажбурияти сифатида эътироф этилгани, болаларга нисбатан жазо эмас, балки тарбиявий таъсир чоралари устувор қўлланилиши лозимлиги қайд этилади²⁸. Шу боис, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг ижтимоий-ҳуқуқий табиати Конвенцияда фарзанднинг шахсий айбига қисман боғлиқ бўлган, бироқ асосан жамият ва давлат томонидан зарур шароитларни таъминлашдаги камчиликлар орқали шаклланидиган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда янги Ўзбекистон қонунчилигида ҳам мазкур ёндашув мавжудлигини қонунчилик мазмунида кузатишимиз мумкин. Хусусан, “*Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида*”ги Қонунда боланинг яшаш, ривожланиш, таълим олиш, зўравонлик ва одоб-ахлоққа зид муносабатлардан ҳимоя этилиш ҳуқуқлари алоҳида кафолатланиб, давлат органлари, ота-оналар ва жамиятнинг умумий мажбурияти сифатида белгилаб қўйилади²⁹.

²⁸ United Nations. *Convention on the Rights of the Child*. – New York, 20 November 1989.

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 07.01.2008 й., ЎРҚ-139. // Lex.uz

“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда эса назоратсизлик, девиант хулқ-атвор, оилавий ва мактаб тарбиясидаги камчиликлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг асосий детерминантлари сифатида қайд этилиб, ички ишлар органлари, таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, маҳалла, ННТлар ўртасидаги ҳамкорлик асосида эрта профилактика тизими шакллантирилган³⁰.

Бундан ташқари, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун мазкур ёндашувни бутун жамият миқёсида умумлаштириб, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини умумий профилактика, индивидуал профилактика ва виктимологик профилактика тизими орқали бартараф этишни назарда тутди³¹. Хусусан, 2024 йилда қабул қилинган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда эса болага нисбатан физик, жинсий, руҳий зўравонликка қўшимча равишда етарлича парвариш қилмаслик, эксплуатация ва буллинг ҳам ҳуқуқбузарлик детерминанти сифатида белгилаб, давлатнинг профилактик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва реабилитация мажбуриятлари кучайтирилгани вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг ижтимоий-ҳуқуқий табиати қонун даражасида янада тўлиқ очиб берилмаганидан далолат беради³². Бизнинг фикримизча, янги Ўзбекистонда ушбу блок қонунлар вояга етмаганлар хулқ-атворида таъсир этувчи ижтимоий омиллар (назоратсизлик, зўравонлик, ижтимоий заифлик) билан жиноят-ҳуқуқий оқибатлар ўртасидаги боғлиқликни бир тизимда ҳуқуқий мустаҳкамлаган бўлиб, “ижтимоий-ҳуқуқий табиат” тушунчасини миллий даражада замонавий мазмун билан ётарли мазмунда тўлдирилмаган.

Шу ўринда, **Россия Федерациясида** 24.06.1999 йилда қабул қилинган 120-ФЗ-сонли “Беназирлик ва вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси тизимининг асослари тўғрисида”ги Федерал қонун вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлигига уларнинг ижтимоий хавфли вазияти, оилавий назоратсизлик, таълим ва меҳнат соҳасидаги муаммолар, медиа-муҳит таъсири билан боғлиқ комплекс ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашади³³. Қонунда “ижтимоий хавфли вазиятдаги бола” атамаси ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганига қарамасдан, ёш шахсни ҳимояга муҳтож субъект сифатида белгилаб, профилактика тизимининг асосий вазифаси чақириқ ва жазо эмас, балки ижтимоий реабилитация, оилавий муҳитни яхшилаш ва таълим-тарбияни нормаллаштириш эканини ҳуқуқий мустаҳкамлайди. Бундай ёндашув вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини, аввало, ижтимоий хавфли шароитларнинг оқибати сифатида кўради, ҳуқуқий реакция эса ушбу ҳолатни бартараф этиш воситаси сифатида тушунилади.

Қозғистон Республикасининг 09.07.2004 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси ва болалар назоратсизлиги ҳамда қочқинлигининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунида ҳам ўхшаш концепция қабул қилинган бўлиб, давлат органлари, таълим-тарбия муассасалари ва ижтимоий хизматлар зиммасига

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, 29.09.2010 й., ЎРҚ-263. // Lex.uz.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, 14.05.2014 й., ЎРҚ-371. // Lex.uz.

³² Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 14.11.2024 й., ЎРҚ-996 // Lex.uz.

³³ Федеральный закон РФ от 24.06.1999 г. № 120-ФЗ “Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних”. – Консультант Плюс.

девиант хулқ-атворнинг олдини олиш, оилавий назоратни мустаҳкамлаш, болалар қочқинлиги ва кўчада қолишининг олдини олиш каби вазифалар юклатилган³⁴. Бу орқали Қозоғистон қонунчиси вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини фақат жиноят-ҳуқуқий категория эмас, балки болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида ҳал этиладиган муаммо сифатида талқин қилади.

Германияда “*Jugendgerichtsgesetz*” (JGG – Ёшлар судлари тўғрисидаги Қонун)да вояга етмаган шахснинг жиноий жавобгарлиги унинг ахлоқий-интеллектуал етуклик даражасига қараб баҳоланиши, жазони белгилашда эса шахснинг ижтимоий интеграция имкониятлари ва қайта тарбия қилиш эҳтиёжи устувор ҳисобга олиниши назарда тутилган³⁵. Шу тариқа, Германия қонунчилигида ҳам ёшлар жиноятчилиги шахснинг ривожланиш босқичи ва ижтимоий муҳит билан диалектик боғлиқ қонунбузарлик тури сифатида кўрилиб, махсус судлар, ёшлар идоралари ва ижтимоий хизматлар иштирокида комплекс тарзда ҳал этилади.

Францияда 2.02.1945 йилги “*Энфанс делинкант ҳақида*”ги Ордонанс ва уни алмаштирган 2021 йилдан амал қилаётган “*Code de la justice pénale des mineurs*” (CJPM)да вояга етмаганлар адлиясида “*жазодан кўра тарбия устуворлиги*”, “*жудаёшлик сабабли масъулиятни енгиллаштириш*” ва “*ихтисослашган судлар тизими*” каби принциплар мустаҳкамланган³⁶. Бу ерда ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ижтимоий-ҳуқуқий табиатга эга, яъни шахснинг ижтимоий инқирози, оилавий ва мактаб муҳитининг инқирози сифатида талқин қилиниб, суд қарорлари тарбиявий чоралар (*инсерция, реабилитация, соғлиқни тиклаш, жамиятга қайта қўйиш*) билан уйғунлаштирилади.

Буюк Британия қонунчилигида “*Crime and Disorder Act 1998*”нинг 37-моддаси ёшлар адлияси тизимининг асосий мақсади “болалар ва ўсмирлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш” эканини белгиласа³⁷, “*Children Act 1989*”да бола манфаатлари суд қарорларида “энг устувор мезон” сифатида қайд этилган³⁸.

Бизнингча, ушбу икки қонун ёшлар жиноятчилигини жамият хавфсизлигига таҳдид сифатида тан олган ҳолда, унинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини, аввало, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш орқали бартараф этиш лозимлигини кўрсатади: профилактиканинг бош мезони – боланинг фаровонлиги ва ижтимоий интеграциясини таъминлаш.

АҚШда “*Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act*” (JJDPА) федерал қонунининг тўртта асосий ҳимоя талаблари (*статус-ҳуқуқбузарларни институционаллаштирмаслик, катталар турмаларидан ажратилиш, “sight and sound” тамойили ва ирқий-этник нотенгликни камайтириш*) вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини, биринчи навбатда, ижтимоий хавфли ҳолат ва давлатнинг тегишли шароит ярата олмаганлиги билан боғлиқ муаммо сифатида кўришга қаратилган³⁹. Мазкур қонун болаларни катталар турмаларидан ҳимоя қилиш, статус-ҳуқуқбузарликлар бўйича (*масалан, дарс қолдириш, уйдан қочиш, комендантлик соатини бузиш*) жиноят-ҳуқуқий

³⁴ Закон Республики Казахстан от 09.07.2004 г. № 591-ІІ “О профилактике правонарушений среди несовершеннолетних и предупреждении безнадзорности и беспризорности детей”. – Adilet.zan.kz.

³⁵ *Jugendgerichtsgesetz (JGG) – Youth Courts Act.* – Bundesministerium der Justiz, Gesetze-im-Internet.

³⁶ Ordonnance du 2 février 1945 relative à l'enfance délinquante; Code de la justice pénale des mineurs (CJPM). – Legifrance; Vie-publique.fr.

³⁷ Crime and Disorder Act 1998, s. 37. – Legislation.gov.uk; UK Government guidance.

³⁸ Children Act 1989, s. 1. – Legislation.gov.uk; Department for Education guidance.

³⁹ Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act (JJDPА). – Act4JJ; OJJDP; ABA.

эмас, балки ижтимоий-тарбиявий чораларни қўллаш орқали қайта социаллаштиришни талаб этади.

Швецияда “Act on Young Offenders (1964:167, LUL)” ва “Social Services Act (2001:453)” ёшлар жиноятчилигига нисбатан фуқаролик жамияти ва фаровонлик давлатининг ўзига хос моделига асосланган бўлиб, ёш ҳуқуқбузарнинг жавобгарлиги индивидуал баҳоланиши, асосий чоралар эса пробация, ижтимоий хизматлар, психологик ижтимоий ёрдам ва оилавий қўллаб-қувватлаш шаклида қўлланилиши назарда тутилган⁴⁰.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар бу ерда боланинг ривожланишидаги муаммолар, ижтимоий ва психик қийинчиликларнинг ҳуқуқий ифодаси сифатида кўрилади ва шу сабабли қонун ижроётида жазодан кўра реабилитация устувор қўлланилади.

Норвегияда ҳам 1992 йилги “Child Welfare Act” ва 2014 йилдан амалда бўлган “youth punishment” ҳамда “youth follow-up” санкциялари ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга ресторатив адлия тамойиллари асосида ёндашади: ўн беш ёшгача бўлган болаларга нисбатан жиноий жазо эмас, балки болалар фаровонлиги хизмати орқали мажбурий тарбия ва ижтимоий ёрдам чоралари қўлланилади⁴¹. Бу эса вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини, аввало, боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмагани, оилавий ва ижтимоий муҳитдаги жиддий нуқсонлар оқибати сифатида кўришга асосланади.

Шу тариқа, қиёсий ҳуқуқий таҳлилдан кўриниб турибдики, *Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Швеция ва Норвегия* каби давлатларнинг қонунчилигида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар одатда, уч томонлама категорияда талқин этилади:

1) *ижтимоий табиат – оилавий, мактаб ва кенг ижтимоий муҳитдаги камчиликлар натижаси;*

2) *ҳуқуқий табиат – жиноят-ҳуқуқий ёки маъмурий-ҳуқуқий нормаларни бузиш сифатида;*

3) *муҳофаза-фаровонлик табиати – болани зўравонлик, назоратсизлик ва камситишдан ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш зарурати.*

Юқорида таҳлил қилинган илмий-назарий қарашлар ҳамда миллий ва хорижий қонунчиликка оид қиёсий маълумотлар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар жиноят-ҳуқуқий ёки маъмурий нормаларни бузиш билан чекланмайдиган, балки жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, оилавий назоратсизлик, таълим ва тарбия тизимидаги камчиликлар, рақамли макондаги салбий таъсирлар билан шартланган *мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса* сифатида намоён бўлади. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясида болага нисбатан муносабатда жазодан кўра тарбиявий, реабилитацион ва реинтеграцион ёндашув устувор этилиши лозимлиги таъкидланиши, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Швеция ва Норвегия қонунларида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги *болалар фаровонлиги ва жамоат хавфсизлиги сиёсатининг марказий объекти* сифатида ҳуқуқий мустаҳкамлангани мазкур хулосани янада кучайтиради⁴².

⁴⁰ Lag (1964:167) med särskilda bestämmelser om unga lagöverträdare (LUL); Social Services Act (2001:453) – Sweden.

⁴¹ Act relating to Child Welfare (Child Welfare Act), Norway; youth punishment and youth follow-up.

⁴² БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, 1989; РФнинг 120-ФЗ-сонли Қонуни; Crime and Disorder Act 1998 (UK); JJDPА (USA) ва бошқалар.

Амалдаги миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг *“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”*ги Қонуни, *“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”*ги Қонуни ҳамда *“Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”*ги Қонунида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, назоратсизлик ва девиант хулқ-атворга қарши курашишга қаратилган тизимли нормалар шаклланган. Шу билан бирга, *“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”*ги Қонун жамият миқёсида профилактиканинг умумий, махсус ва яқка турларини, уларнинг субъектлари ва асосий йўналишларини белгилайди⁴³. Бироқ, бизнинг фикримизча, айнан ушбу Қонун матнида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг *ижтимоий-ҳуқуқий табиати ва жамоат хавфсизлигига таъсирига оид қатор ҳуқуқий бўшлиқлар* сақланиб қолмоқда.

Юқоридаги илмий таҳлиллар мазмунидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар доирасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш стратегияси вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига нисбатан анъанавий *“реактив”* ёндашувдан воз кечиб, *“олдиловчи-манзилли”* (proactive) модель босқичига ўтмоқда. Бироқ, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини илмий тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, ушбу феномен нафақат ҳуқуқий нормани бузиш, балки шахс шаклланаётган ижтимоий экотизимнинг (оила, таълим, маҳалла) инкирози натижасидир.

Шу ўринда, бугунги кунда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг *“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”*ги Қонуни таҳлили шуни кўрсатадики, профилактик чоралар тизимида *“ижтимоий хавфли ҳолат”* (social risk status) категориясининг ҳуқуқий дефиницияси ва уни аниқлаш мезонлари мавжуд эмас. Бу эса амалиётда профилактика субъектларининг фаолиятини фақатгина ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейинги чоралар билан чеклаб қўймоқда.

Бизнинг фикримизча, вояга етмаган шахснинг хулқ-атворидаги девиацияларни барвақт аниқлаш учун қонунчиликка *“ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаган шахс”* тушунчасини киритиш зарур. Бу категория ҳуқуқбузарлик содир этишга замин яратувчи омилларни (масалан, *ижтимоий етишмовчилик, зўравонлик муҳити, педагогик назоратсизлик*) қамраб олиши лозим.

Халқаро тажриба, хусусан, Германиянинг Ёшлар судлари тўғрисидаги қонуни (Jugendgerichtsgesetz — JGG) ва Франциянинг 2021 йилги Вояга етмаганлар жиноий адлияси кодекси (CJPM) таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланган давлатларда профилактиканинг бош мақсади — *“тарбиявий устуворлик”* (Erziehungsgedanke) тамойилидир⁴⁴. Россия Федерациясининг 120-ФЗ-сонли Қонунида ҳам *“ижтимоий хавфли ҳолат”* институтининг мавжудлиги, профилактикани шахснинг дезадаптация босқичида бошлашга хизмат қилади⁴⁵.

Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни куйидаги йўналишларда такомиллаштириш таклиф этилади. Хусусан:

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг *“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”*ги Қонуни, 2014 йил 14 май, ЎРҚ-371-сон Қонуни

⁴⁴ Jugendgerichtsgesetz (JGG) in der Fassung der Bekanntmachung vom 11. Dezember 1974 (BGBl. I S. 3427), § 2.

⁴⁵ *Федеральный закон от 24.06.1999 N 120-ФЗ "Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних"* // СПС КонсультантПлюс.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига **“ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаган шахс”** тушунчасини киритиш. Бу орқали болани жазо объекти эмас, балки **“ижтимоий ҳимоя ва реабилитация субъекти”** сифатида қараш мустаҳкамланади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мазкур Қонунни янги **22¹-модда** билан тўлдириб, унда **“Индивидуал реабилитация дастури”** институтини жорий этиш. Ушбу дастур нафақат бола билан, балки унинг микросоциуми (оиласи) билан ишлашни кўзда тутувчи ижтимоий-психологик коррекция механизми бўлиши лозим.

Юқорида баён этилган илмий таклифлардан келиб чиққан ҳолда, диссертация тадқиқотининг илмий қийматини ошириш, шунингдек, таклиф этилаётган институционал ислохотларнинг амалий жорий этилиш механизмларини аниқ ифодалаш мақсадида **“Индивидуал реабилитация дастури”**нинг концептуал модели ҳамда уни самарали амалга оширишга қаратилган идоралараро кластерли ҳамкорлик тизими ишлаб чиқилди.

“Индивидуал реабилитация дастурининг концептуал модели — бу ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаган шахснинг хулқ-атворини коррекция қилиш ва унинг ижтимоий муҳитини соғломлаштиришга қаратилган, муддатли ва манзилли чора-тадбирлар мажмуидир”.

Дастурнинг уч босқичли тузилмаси:

Босқич	Йўналиш	Амалий чора-тадбирлар
I босқич: Диагностика	Ижтимоий-психологик скрининг	Шахснинг психологик портретини яратиш, оиладаги зўравонлик ва девиант омилларни аниқлаш.
II босқич: Коррекция	Педагогик ва реабилитацион таъсир	Таълимга қайтариш, менторлик (устоз-шогирд), бўш вақтни мазмунли ташкил этиш (тўғарақлар, спорт).
III босқич: Интеграция	Ижтимоий адаптация	Касб-хунарга йўналтириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, оилавий муносабатларни тиклаш.

2. Идоралараро ҳамкорликнинг кластер модели

Профилактика субъектлари ўртасидаги тарқоқликни бартараф этиш учун **“Хавфсиз маҳалла — баркамол авлод”** тамойили асосида кластер тизимини жорий этиш таклиф этилади.

Кластернинг марказий бўғини: Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссия (ёки Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси).

• **Ҳуқуқий блок:** Ички ишлар органлари (профилактика инспектори), Миллий гвардия — жамоат тартибини ва ҳуқуқий назоратни таъминлайди.

• **Ижтимоий-педагогик блок:** Мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари, психологлар — таълим-тарбия жараёнини назорат қилади.

• **Тиббий-психологик блок:** Соғлиқни сақлаш тизими — девиант хулқ-атворнинг патологик жиҳатларини даволайди.

• **Жамоатчилик блоки:** Маҳалла еттилиги, ёшлар етакчиси — ижтимоий мониторинг ва "маҳалла назорати"ни амалга оширади.

3. Илмий таклифнинг баёни (Норматив-схемавий ифода)

“Тадақиқот натижасида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасини “назоратдан — реабилитацияга” трансформация қилиш мақсадида **‘Ижтимоий реабилитация дастури’** ва унинг идоралараро кластер модели ишлаб чиқилди. Мазкур модель Германиянинг ‘Ёшлар ёрдам хизмати’ (Jugendamt) ва Швециянинг ‘Ижтимоий хизматлар’ (Social Services) тизимидаги ижобий тажрибаларни миллий ‘Маҳалла еттилиги’ институти билан интеграция қилишга асосланган. Бу эса жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ижтимоий рискларни эрта босқичда бошқариш (risk-management) имконини беради”.

Шунингдек, юқоридаги таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига қуйидаги янги муаллифлик тушунчасини таклиф этади:

“Ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаган шахс — ҳаёти ёки соғлиги учун хавф тугдирувчи, ривожланишига тўсқинлик қилувчи ёки гайриижтимоий хулқ-атвор шаклланишига шароит яратувчи муҳитда бўлган, натижада ижтимоий реабилитация ва ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаган шахс”.

Мазкур таърифнинг қонунчиликка ва амалиётга татбиқ этилиши натижасида эришиладиган ижтимоий-ҳуқуқий самарадорликни қуйидаги илмий-академик тезислар орқали асослаш мумкин. Хусусан:

Биринчидан, профилактик фаолиятнинг концептуал модели **“реактив”** босқичдан **“проактив”** (олдиловчи) босқичга трансформация қилинади. Амалдаги тизим асосан ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактига ҳуқуқий реакция билдиришга мослашган. Таклиф этилаётган таъриф эса давлат органларининг диққат марказини **“жиноят”** фактидан **“ижтимоий риск”** (ижтимоий хавфли ҳолат) категориясига кўчиради. Бу эса жамоат хавфсизлиги тизимида рискларни бошқариш (risk-management) стратегиясини амалиётга жорий этиш имконини беради.

Иккинчидан, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақоми **“интизом ва жазо объекти”**дан **“ижтимоий ҳимоя ва реабилитация субъекти”**га ўзгаради. Таърифдаги **“ижтимоий реабилитация ва ҳимояга муҳтож”** жумласи деликвент хулқ-атворни нафақат шахсий айбдорлик, балки ижтимоий муҳит нуқсонли сифатида талқин қилишга хизмат қилади. Бу эса БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси талабларига мос равишда, жазо чораларини тарбиявий ва тикланувчи (restorative) таъсир чоралари билан алмаштиришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратади.

Учинчидан, профилактика субъектлари, хусусан, **“Маҳалла еттилиги”** фаолиятини баҳолашнинг аниқ верификация қилинадиган индикаторлари шаклланади. Таърифда келтирилган **“ривожланишига тўсқинлик қилувчи муҳит”** ва **“гайриижтимоий хулқ-атвор шаклланишига шароит яратувчи омиллар”** маҳалла даражасидаги ижтимоий мониторинг учун мезон бўлиб хизмат қилади. Бу эса профилактика инспектори, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолига хавф гуруҳига кирувчи болалар билан ишлашда юзаки ёндашувдан воз кечиш, манзилли ва илмий асосланган чораларни қўллаш имконини беради.

Тўртинчидан, идоралараро ҳамкорликнинг *горизонтал кластер механизми* ҳуқуқий мустаҳкамланади. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги комплекс ижтимоий муаммо бўлганлиги сабабли, унинг ечими биргина ички ишлар органи масъулиятидан чиқарилиб, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя органларининг узвий боғлиқлигини таъминлайди. Натижада, ҳар бир идоранинг болани ижтимоий муҳитга қайтариш (reintegration) борасидаги масъулияти аниқ “*йўл хариталари*” ва “*Индивидуал реабилитация дастурлари*” орқали белгиланади.

Бешинчидан, узоқ муддатли истикболда *жамиятдаги криминоген вазиятнинг барқарорлашуви ва инсон капиталининг сифат жиҳатидан яхшиланиши таъминланади.*

Вояга етмаганлик давридаги девиацияларни эрта нейтраллаштириш келажақдаги профессионал жиноятчиликнинг (рецидив) олдини олишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Бу эса давлатнинг ижтимоий ва жиноий сиёсатида “*жазолаш харажатлари*”ни “*инсонни ижтимоийлаштириш инвестициялари*”га йўналтириш имконини беради.